



## **БОЗОРНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИДА УЙ ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

**Абдуллаева Мадина Камиловна**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Фундаментал иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н. Тошкент, Ўзбекистон.*

**Холбекова Ферузахон Расуловна**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Иқтисодиёт кафедраси доценти, PhD. Тошкент, Ўзбекистон.*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss2/i15](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i15)

### **Аннотация**

Уй хўжалигини тадқиқ этишнинг мураккаблиги, иқтисодий ва ҳуқ-атвор (институционал) омилларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги, уй хўжалиқларининг даромадларига асосий эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилган. мамлакатимиздаги уй хўжалиқлари фаолиятини бозор механизми таъсирида тартибга солиш бўйича илмий-услубий ва амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** уй хўжалиги, институционал бирлик, инсон капитали, рационал хатти-харакатлар, неоклассик назария, институционал иқтисодиёт, ахборот миқёси, уй хўжалиги даромадлари, уй хўжалиқлари жамғармалари.

### **ЗАКОНОМЕРНОСТИ ДОМОХОЗЯЙСТВ В ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЕ РЫНКА**

**Абдуллаева Мадина Камиловна**

*Доцент кафедры «Фундаментальная экономика» Ташкентского государственного экономического университета, к.э.н. Ташкент, Узбекистан.*

**Холбекова Ферузахон Расуловна**

*Доцент кафедры «Экономика» Ташкентского государственного экономического университета, PhD. Ташкент, Узбекистан.*

### **Аннотация**

В статье рассмотрены сложность исследования домохозяйств, взаимосвязь экономических и поведенческих (институциональных) факторов, необходимость личного внимания к доходам домохозяйств. внедрение научно-методических и практических предложений и рекомендаций по рыночным механизмам и регулированию возможностей домохозяйств на сегодняшний день.

**Ключевые слова:** домохозяйство, институциональная единица, человеческий капитал, исследование рационального характера, неоклассическая теория, институциональная экономика, шкала информации, доход домохозяйства, сбережения домохозяйства.

## REGULARITIES OF HOUSEHOLDS IN THE INSTITUTIONAL SYSTEM OF THE MARKET

**Abdullaeva Madina Kamilovna**

*Associate Professor of the Department of Fundamental Economics, Tashkent State University of Economics, Ph.D. Tashkent, Uzbekistan.*

**Kholbekova Feruza Rasulovna**

*Associate Professor of the Department of Economics, Tashkent State University of Economics, Ph.D. Tashkent, Uzbekistan.*

### **Abstract**

The article considers the complexity of household research, the relationship between economic and behavioral (institutional) factors, the need for personal attention to household income. introduction of scientific, methodological and practical proposals and recommendations on market mechanisms and regulation of household opportunities today.

**Keywords:** household, institutional unit, human capital, rational research, neoclassical theory, institutional economics, scale of information, household income, household savings.

### **Кириш**

Миллий иқтисодиётнинг ажралмас сектори сифатида уй хўжалиги сектори бир тарафдан сифатида ишчи кучи ресурсларини такрор ҳосил қилиш, инсон капиталини инвестициялаш ва реал секторни ривожлантиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади, иккинчи томондан эса асосий товарларнинг истеъмолчиси ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган барча ҳаракатлар халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, фаровонлигини оширишга, хусусан уй хўжаликларининг даромадларини ҳам муттасил ошириб борилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ- 60-сон, 2021 йил 27 мартдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-5041-сон,<sup>1</sup> қарорлари ўз навбатида уй хўжаликларини даромадларини оширишга, институционал бирлик сифатида истеъмол даражасини муайян даражага ижобий даражада ўзгаришига олиб келади.

Бизга маълумки, бозор муносабатларида институционал бирлик сифатида уй хўжаликлари ўз эҳтиёжларини энг юқори даражада қондиришга интилсалар, фирмалар – энг юқори максимал фойда олишни, жамиятни фаровонлигини таъминлашга эса давлат масъул сифатида нобозор хизматларни таклиф этади. Уларнинг ҳар бири ижтимоий меҳнат тақсимоти тизимида ўзининг маълум бир ўрнига эга бўлгани ҳолда, ўз иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқариш учун бозор алоқаларининг ифодаловчиси бўлган бошқа иқтисодий субъектлар нимага эҳтиёж сезаётган бўлсалар ушбу нарсани таклиф этишлари лозим. Институционал бирликларнинг ўзаро муносабатларини таҳлил қилар эканмиз, шуни таъкидлашимиз лозимки, улар ўртасидаги муносабатлар доимо ҳам соф бозор тавсифига эга

бўлавермайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда мамлакатимизда уй хўжаликлари таҳлил қилган ҳолда улар даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда ушбу муаммо бўйича илмий тадқиқот ишларини янада чуқурлаштиришни тақозо этади ва танланган мавзунинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Уй хўжалиқларининг макроиқтисодий таҳлилдаги ўрни, миллий иқтисодиётнинг энг асосий институционал бирлиги сифатида кўпгина иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўзларининг тадқиқотларида ва халқаро конференцияларда фирк ва муҳозаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан уй хўжалиқларининг иқтисодий асослари, мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уй хўжалиқларининг миллий иқтисодиётдаги асосий жиҳатлари ва ўзгариш динамикасини кўрсатиб ўтишган.

Биз уй хўжалиқларини иқтисодий мактаблар тизимида кўриб чиқсак, классик назария намоёнчаси А.Смит ҳамда Д.Рикардо фикрига кўра [1] жамият бойлигини тақсимланиши асосида уй хўжалигини кўриб чиққанлар.

Кейнсчилик мактаби асосчиси Дж.М.Кейнс назариясида эса асосий эътибор истеъмол харажати билан жамғаришнинг ўзгариши тадқиқ этилган [2]. Дж.М.Кейнс назариясининг асосий томони шундаки, уй хўжалиқларининг истеъмол харажати билан жамғариши ўзгаришини графикларда чуқур таҳлил қилган.

Россиялик иқтисодчи олим А.Н Олейникнинг фикрича уй хўжалигига таъриф берганида инсон капиталини такрор барпо этишнинг умумий вазифалари, яшаш жойи, бюджет ва оила-қариндошлик алоқаларибилан бирлашган инсонлар гуруҳи сифатида қараб чиққан [3].

Бошқа иқтисодчи олим Мироненко О.В. қарашларида уй хўжалигини умумий бюджет ва яшаш жойи билан бирлашган, ҳар қайсиси ишлаб чиқариш омили сифатида меҳнат таъминотчиси бўлгани ҳолда бандлик мақомига эга бўлган, шунингдек, ҳам табиий, ҳам товар хусусиятига эга бўлиши мумкин бўлган иқтисодий фаолиятда иштирок этувчи бир ёки бир неча шахслар гуруҳи сифатида тадқиқ этган [4].

Журавлева Г.Пнинг фикрича уй хўжалигини “инсон капитали”нинг барпо бўлишидаги роли билан узвий боғлайди [5]. Иқтисодиётнинг истеъмол соҳасида фаолият юритувчи, бир ёки бир неча шахсдан таркиб топиши мумкин бўлган иқтисодий бирлик. У “инсон капитали”нинг барпо бўлиши ва такрор барпо бўлишини таъминлайди, мустақил равишда қарорлар қабул қилади, бозор иқтисодиётида қандайдир ишлаб чиқариш омилининг эгаси ва етказиб берувчиси ҳисобланади, шахсий эҳтиёжларини имкон қадар қондиришга (фойдани оширишга эмас) интилади деган фикрни илгари сурган.

Ўзбекистон олимларидан Б.Б.Беркинов ва У.К.Ахмедовлар уй хўжалиқларининг активларга қўшган ҳиссаларини эконометрик таҳлил қилганлар [6].

Уй хўжалиқларини макроиқтисодий доиравий айланиши нуқтаи назаридан кўриб чиққан иқтисодчи олим Бадалов Ш.Дж. қуйидагича муносабат билдиради: “Шу тариқа, уй хўжалиқлари фирмалар билан ресурслар бозорида таклиф томонидан ва маҳсулотлар бозорида эса талаб томонидан туриб, ўзаро алоқага киришадилар” [7].

### **Тадқиқот методикаси**

Уй хўжаликларини миллий иқтисодиётдаги ирнституционал бирлик сифатида илмий тадқиқотларни ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

### **Таҳлили ва натижалар**

Уй хўжаликларини тадқиқ қилишда макроиқтисодий таҳлил қиладиган бўлсак, макроиқтисодий айланишдаги иштирокида дастлаб ресурс эгасидан ўз фаолиятини бошлаб

бирин-кетин такрор ишлаб чиқариш фазаларидаги иқтисодий алоқаларда фаол иштирокчи бўлиб иштирок этади. Бу эса ўз навбатида, бозор муносабатлари тизимида уй хўжаликларининг фаолиятини ифодалайди.

Уй хўжаликларини институционал ёндошув жиҳатдан тадқиқ этадиган бўлсак, уй хўжаликлари муаммолари қуйидагилар билан асосланади:

1) Институционал иқтисодиётда уй хўжалигининг ички тузилишига, яъни унинг таркиби ва асосий фаолитига. Уй хўжаликларининг мақсадлари турли иқтисодий тизимларда бир-биридан фарқланади.

2) Уй хўжаликларининг рационал хатти-харакатларга мос эмаслиги.

3) Уй хўжалкилари бугунги кунда амалга оширган танловининг келажакдаги натижасини баҳолай олмайдилар.

4) Неоклассик назария намоёндалари таъкидлаганидек уй хўжаликлари “ҳисоблаш машинаси ” эмас. Барча уй хўжалиги аъзоларини ахборотларини тўплаш ва қайта ишлаш қобилияти чекланган.

5) Институционал иқтисодиёт неоклассик ёндошувдаги “оптималлаштирувчи рационализатор” ғояини рад этади, чунки уй хўжаликлари доимо оптималлаштириш учун имкониятлар мавжуд бўлмаган ваколатларга дуч келади.

Бизнинг фикримизча, уй хўжаликлари муаммоларни ҳал қилишда ёндошувда институционалист Дж. Ходжсон [8] таклиф этган ёндошувни ҳисобга олиш зарур. Чунки ушбу тасниф қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) Ахборот миқёси.

Бу шундай вазиятки, маълумоит шунчалик кўпки, уй хўжалиги ун қайта ишлашга қодир эмас: маълумотларнинг мавжудлигига қарамай, уни ўзлаштириш вақт ва бошқа ресурсларни сезиларли даражада сарфлашни талаб қилади. Оддий мисол-супермаркетдаги истеъмол товарларини танлаш, бу ерда масалан, уй хўжаликлари юзлаб турдаги пишлоқ, колбаса ёки бошқа озиқ-овқат турларини танлаши керак. Шунга кўра, уй хўжаликлари тўлиқ қарор қабул қила олмайди, чунки у барча маълумотлар тўпламини қайта ишлай олмайди.

2) Ахборотларнинг мураккаблиги.

Бу ерда маълумотлар ҳажми кичик, аммо уй хўжалкиларида уни қайта ишлаш учун малака йўқ. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан қарор қабул қилиш муҳитининг мураккаблиги ва бошқа томондан эса ҳисоблаш қобилиятлари ўртасидаги тафовут мавжуд. Масалан, мураккаб техник хусусиятларга эга(масалан, автомобиллар ёки компьютерлар)узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларини ҳарид қилиш мисол бўла олади. Бундай вазиятда уй хўжалиги “оптималлаштиривчи инноватор” сифатида ҳаракат қила олмайди.

3) Ноаниқлик.

У жорий ҳаракатларнинг келажакдаги натижалари ҳақида маълумотларнинг етишмаслиги ёки йўқлиги билан боғлиқ. Натижада, қарор қабул қилиш оптималлаштириш учун асос йўқолади.

Институционал таҳлил бизга уй хўжалигини ўзига хос шаклда, яъни фирмалар ва давлатлар, ҳокимият муносабатлари вужудга келадиган ташкилот шаклида эмас, балки бу институционал бирликлардан фарқли жиҳатларини ёритиб беради. Бу бозор шароитида уй хўжаликларининг хусусиятлари аниқлашда ўзига хос институционал тузилма сифатида тавсифлашга имкон беради.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб уй хўжаликлари ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими шаклланди. Бу шаклланиш институционал ислохотлар остида рўй бериб, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига баббараварига қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Уй хўжаликларига қўшимча ер участкалари ажратиш, кам таъминланган оилалар учун қорамоллар, пул маблағлари ҳамда ёш оилаларга уй – жой бериш йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидласак бўлади. Натижада оила тадбиркорлиги, тадбиркорлиги фаолиятини ривожлантириш орқали уй хўжаликлари даромадлари ҳам кўпайди.

Уй хўжалигининг даромадлари кўп ҳолларда пул жамғармалари кўринишида шаклланган бўлади. Бу жамғармалардан уй хўжаликлари асосан кундалик эҳтиёжларни қондириш учун ва инвестицион товарлар харид қилиш учун ёки фойда олиш учун капитал сифатида фойдаланиладилар.

Жамғармадар уй хўжалигининг эҳтиёжини хўжалик аъзоларининг имконияти билан боғлаш имконини беради. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, уй хўжаликларида молиявий ресурсларни шаклланиш ва уларни тақсимлаш жараёнларига алоҳида аҳамият қаратиш муҳимдир.

Уй хўжаликларининг жамғармалари турли шаклларда бўлиши мумкин.

1. Жамғармаларни молияга жойлаштириш, яъни банкларга жойлаштириш. Ушбу усулнинг афзалликлари ишончлилик, жамғармаларнинг хавфсизлиги, уларнинг ўсиши шаклида қўшимча даромад олиш, фоизларга эга бўлишдир. Уй хўжаликлари нақд пулни тижорий жойлаштириш билан шуғулланишлари шарт эмас, сабаби банклар буни амалга оширадилар.

2. Маблағларни давлат ва хусусий, шу жумладан хорижий компанияларнинг қимматли қоғозларига қўйиш. Бу ўз навбатида уй хўжаликлари учун қимматли қоғозлар котировкасига тегишли бўлган даромадга эга бўладилар. Аммо молиявий бозор уларга барқарорликни кафолатламайди. Уй хўжаликлари шу жиҳатдан барча рискларни ҳисобга олишлари зарур.

3. Омонатларни олтин ёки қимматбаҳо тошларга айланттириш. Бу усул салбий жиҳати шундаки, уларни нақд пулга айланттириш учун вақт ва маълум харажатлар талаб этилади. Бунга қўшимча равишда агар улар уйда сақланса уларни йўқотиш хавфи мавжуд. Агар банкда сақланса, унда бундай хизмат пуллик ва маълум талабларни талаб қилиши натижасида уй хўжалиги харажатларини ошишига олиб келади.

4. Кўчмас мулкни сотиб олиш (квартиралар, коттежлар, эр участкалари ва бошқа мулклар).

ҳозирги вақтда мавжуд уй хўжалиги ўзи ишлатмайдиган кўчмас мулкни ижарага

берилиши мумкин. Бироқ, уй хўжаликларини тежашнинг бу усули номукамал бўлиб, баъзи ҳолларда кўчмас мулкнинг нархи тўйинган талаб натижасида юқори бўлиши мумкин. Кўчмас мулкни нақд пулга айлантириш қўшимча вақт ва тўғридан-тўғри пул маблағларини сезиларли даражада инвестиция қилиш зарурлиги билан боғлиқдир.

5. Миллий валютадаги нақд пулларни жаҳон бозорида конвертация қилинадиган мамлакатларнинг бошқа пул бирликларига ўтказиш.

Уй хўжалигини тадқиқ этишнинг мураккаблиги шу билан изоҳланадики, иқтисодий ва ҳулқ-атвор (институционал) омилларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ва уй хўжалигини ўрганишда анъанавий усуллар аниқ натижа бермаганлигига боғлиқдир. Ўзбекистонда 2022 йилнинг январь-ноябрь ойлари ҳолатига кўра бир кишидан иборат уй хўжаликлари сони бор-йўғи 2,7 фоизни ташкил этган бўлса, уй хўжаликларининг 6,7 фоизи икки кишидан, 11 фоизи уч кишидан, 18,4 фоизи тўрт нафардан, 22,6 фоизини беш нафардан иборат. Олти ва ундан ортиқ аъзоси бўлган уй хўжаликлари 38,6 фоизни ташкил қилди<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам айнан уй хўжаликлари сони кўп улушни ташкил этганлиги боис, айнан уй хўжаликларининг даромадларига асосий эътибор қаратиш лозим. Биз қуйидаги жадвал орқали аҳоли даромадлари ўзгаришини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадларининг ўзгариш динамикаси**

| кўрсаткичлар                              | 2010        | 2015        | 2016        | 2017        | 2018        | 2019        | 2020        | 2021        |
|---|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| жами даромадлар                           | 100,0       | 100,0       | 100,0       | 100,0       | 100,0       | 100,0       | 100,0       | 100,0       |
| шу жумладан,<br>бирламчи даромадлар       | 80,4        | 84,2        | 85,1        | 80,6        | 77,5        | 76,2        | 75,4        | 73,6        |
| Ишлаб<br>чиқаришдан олинган<br>даромадлар | 78,5        | 82,0        | 82,2        | 77,4        | 74,6        | 73,5        | 73,3        | 71,5        |
| мол-мулкдан<br>олинган даромадлар         | 1,9         | 2,2         | 2,9         | 3,1         | 2,9         | 2,7         | 2,1         | 2,2         |
| Трансфертлардан<br>даромадлар             | <b>19,6</b> | <b>15,8</b> | <b>14,9</b> | <b>19,4</b> | <b>22,5</b> | <b>23,8</b> | <b>24,6</b> | <b>26,4</b> |

Бизга маълумки уй хўжаликлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадлари, давлат томонидан бериладиган нафақалар ва пенсиядан иборат бўлган даромадга эга бўладилар. Шунга кўра Ўзбекистонда ишлаб топилган даромадлар ҳиссаси 2021 йилнинг якунларига кўра 73,6%ни, мол-мулкдан олинган даромадлар 2010 йилда 1,9 фоизни, 2021 йилда 2,2 фоизни ташкил этиб, барча даромадларни ўзгариш динамикасини солиштирсак, ижтимоий трансфертлардан даромадлар 19,6 фоизни, 2021 йилда 26,4 фоизни ташкил этиб сезиларли даражада ўзгаргани уй хўжаликларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 250-сонли Қарорининг 1-иловасига кўра «Темир дафтар»га киритилган оилаларга томорқадан даромад

манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш мақсадида, туман (шаҳар) ҳокимликлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши, тижорат банклари билан ҳамкорликда «Темир дафтар»га киритилган оилаларда томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали бандликни таъминлашда енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, буларни барчаси даромадларни фақатгина ишлаб чиқариш омилларидан эмас, балки томорқа хўжалигидан фойдаланишга имконият берди.

Бизнинг фикримизча, бу ҳозирги озиқ-овқат мҳсулотларининг нархи ошиб бораётган бир вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга ёрдам берибгина қолмасдан, оилавий хўжаликларни бозор қонуниятларини фаоллашувига олиб келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжалиги мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади, яъни уй хўжалиги аъзоларининг турмуш даражаси унинг улушига тўғри келадиган даромаднинг миқдорига боғлиқ. Ушбу миқдорга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Ушбу омиллар таъсири остида у ҳам ошиб, ҳам камайиб туриши мумкин. Шунинг учун истеъмолнинг одатий даражасини сақлаб туриш мақсадини кўзлаган ҳолда уй хўжалиги турли жамғармалар бўйича олинган даромаднинг тақсимланиши, ушбу жамғармалар маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириши зарур.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда жиддий муваффақиятларга эришган хорижий мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси шундан далолат берадики, оила тадбиркорлигига қаратилган ташаббус нафақат бандликни таъминлашда, балки даромадларни текис тақсимлаш, шу билан бир қаторда ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг барқарор омиллари сифатини оширишда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда<sup>3</sup>.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик тадбиркорликнинг аксарият қисмини оилавий корхоналар ташкил қилади. Оила бизнесини ташкил этишнинг мазкур шаклининг ижтимоий ва иқтисодий устунликлари, унинг субъектлари фаолият кўрсатишининг юқори самарадорлигини, узоқ вақт давом этишини ва уларнинг жадал ривожланишини таъминлайди. Кўплаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда айнан оила тадбиркорлигини ташкил этиш соҳасидаги тадқиқотларни олиб борувчи, унинг манфаатларини ҳимояловчи ва оилавий корхоналарнинг фаолият кўрсатиши борасида тажриба алмашиш учун мунозара майдонларини ташкил этувчи махсус бирлашмалар фаолият юритади. Бу аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилишни кенгайтириш, оилавий иш анъаналарини ривожлантириш ва оила тадбиркорлари сулоласини шакллантириш имконини беради.

Турли хўжалик юритувчи субъектларнинг муносабатлари масаласи нафақат назарий жиҳатдан қизиқарли, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Институционал жараёнининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш уй хўжаликлари, унинг замонавий даврда этакчи иқтисодий субъект сифатидаги роли иқтисодиёт тегишли мослашиш механизминини ишлаб чиқиш имкон беради.

### **Хулоса ва таклифлар**

Уй хўжалигини институционал ёндашув асосида барча хусусиятларга эга бўлган

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида. <http://andijon.uz/news/>

Ўзига хос иқтисодиёт субъекти деб таърифлаш мумкин. Бозор муносабати шароитида уй хўжалиги бошқа иқтисодий субъектлар билан доимий ўзаро ҳамкорликка киришади. Шунинг учун уй хўжалигини институционал ривожлантириш жараёни доирасида уларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари муаммоси долзарб аҳамият касб этади. Уй хўжаликлари ривожланишининг ҳозирги босқичида, уларнинг умумий даромадида уй хўжаликларида тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштириш аҳолининг турмуш тарзини ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Бизга маълумки, уй хўжаликларида тадбиркорлик фаоллигини ошириш мамлакат иқтисодиётининг ўсиши учун муҳим ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, уй хўжалигининг иқтисодий муносабатлар тизимидаги иштироки орқали институционал жиҳатдан қуйидагиларга асосий эътибор қаратиш лозим:

1) мулкнинг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа эҳтиёжларни амалга оширишни таъминлайди;

2) Уй хўжалиги ўз эгасининг манфаатларини амалга ошириш орқали замонавий иқтисодий тизимда халқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш параметрларини таъминлайди;

3) Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари ваколатли истеъмолчилардир, чунки уй хўжаликлари бозор механизми орқали ишлаб чиқарувчиларни энг яхши манфаатларга хизмат қилишга мажбур қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ядгаров Я.С. История экономических учений: учебник. - М.: ИНФРА-М, 2018. - 480 с.

2. Дж.М.Кейнс Общая теория занятости, процента и денег. -М.: ЭКСМО, 2007 . - 960с.

3. Олейник А. Институциональная экономика: Учебник.- М.: ИНФРА-М, 2009.-704 с

4. Мироненко О.В. Домашние хозяйства в системе социально – трудовых отношений. Автореферат дисс. к.э.н. , Хабаровск. 2008. – 20 с.

5. Поведение домохозяйства в рыночной экономике. kondratyev.professorjournal.ru/c/document\_library/get\_file?p\_l\_id=520889

6. Беркинов Б.Б., Ахмедов У.К. Источники формирования доходов и прогнозирование инвестиций в основной капитал сельских домохозяйств Узбекистана. // Журнал «Экономика, организация и управление предприятиями, отраслями», М., 2015.

7. Бадалов Ш.Дж. Миллий иқтисодиётда уй хўжаликларининг иқтисодий функциялари. - Т.: “IQTISODIYOT”, 2013. – Б.23.

8. Ходжсон Дж. Привычки, правила и экономическое поведение // Вопр. экономики. 2000..

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.